# МАРҲАБО, НАВРЎЗИ ОЛАМ!

Ilm o'zni bilmakdir

# Ma'rifat

МАЪРИФАТ • ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ • معرفت

1931 йилдан чиқа бошлаган | 1997 йил 19 март, чоршанба | Баҳоси сотувда эркин нархда. | № 23 (6919)

*Da'vat*

Байрам халқимиз руҳини кўтаришга хизмат қилсин.

**Ислом КАРИМОВ.**

*Ibrat*

Наврўз тантаналари арафасида Ангор педагогика билим юртида оммавий ҳашар ўтказилди. Унда билим юрти жамоасининг фаол ҳаракатлари билан 500 кв. метр девор, 200 тупдан ортиқ дарахт оқланди, 500 туп терак қаламчалари ўтқазилди.



## НАВРЎЗ БОЛАЛАРИ

Болалик — ҳаёт деб аталмиш муқаддас китобнинг энг ёрқин, унутилмас саҳифаси. У бутун бир дунёнинг мазмуни, қимматидир. Биз кўпинча ҳусну латофатини кўз-кўз қилиб турган ана шу баҳорни-да келинчак атаймиз. Аслида у ҳам фақат боликнинг беҳисоб дуолари туфайлигина келинчак бўлган эмасмикин?..

Ҳа, бола қалбидаги ҳақиқий иймон, эътиқод ҳеч қачон чек-чегара билмаган. Балки бу чин маънодаги фарзандлик, укалик ёхуд сингиллик эътиқодидир? Ҳақиқатан шундайку-я, бироқ минг надоматки, бизларни ҳануз мурғаккина юракларида астойдил опичлаб юрган ўша қақажонларнинг айримлари умрларининг энг тотли лаҳзаларини меҳрибонлик уйларида ўтказишга мажбур. Улар ҳануз дераза тирқишларидан шаҳарга, таниш-нотаниш кўчаларга умидвор термулишади...

Йўқ, йўқ. Улар ҳечам йиғлаётганлари йўқ. Фақат ёруғ дунёнинг сиру синоатларини англаёлмай ҳалак. Бу болалар ҳар кеча тушларига кирадиган ота-оналари, ака-ука, сингилларини балки танишмас? Аммо, нима бўлгандаям, шукрки, Ватан деб аталмиш жону тан, ўзларига ҳар сония қайноқ меҳрини ҳадя этиб, чарчамаган ҳув ўша тарбиячи опаларини жуда севишади. Уларни ўзлари илк бора кўз очиб таниган дунёнинг энг катта бўлаги деб билишади.

«Инсон манфаатлари йили» деб аталган йилимизнинг ҳам баҳори, Наврўз шодиёналари бошланди. Наврўз меҳрибонлик, эзгулик байрами ҳамдир. Қолаверса, ана шундай қутлуғ йил бошида, муборак кунлар арафасида республикадаги меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларига атаб қатор тадбирлар, албатта, совға-саломлар уюштирилибди. Дейлик, Тошкент шаҳар халқ таълими Бош бошқармаси ва шаҳар қўшимча таълим комплекси жамоаси томонидан «Ассалом, Наврўз!», «Истиқлол ғунчалари» сингари гўзал байрам тадбирлари ўтказилади.

Шубҳасиз, республикамиз миқёсида ҳам ўтказилаётган ана шундай тадбирлар, ишонамизки, болажонлар қалбига илиқлик, баҳорий табассум олиб киражак.

**Олимжон ҲАЙИТ**

*Tadbir*

## СУМАЛАКДАН ТАТИБ КЎРИНГ



***Юртимизда Наврўзи олам нафаси кезмоқда. Наврўз — яшариш, янгиланиш, уйғониш палласи. Мазкур айёмни муносиб кутиб олиш учун ўлкамиздаги барча таълим-тарбия муассасаларида ҳозирлик кўрилаётир. Мухбиримиз пойтахтнинг Чилонзор туманидаги 444-болалар боғчасида бўлиб, боғчанинг катта гуруҳи тарбиячиси Дилбар Шосолиҳовадан Наврўз ҳақидаги илк тушунча кичкинтойлар қалбига қай йўсинда сингдирилаётгани ҳақида сўзлаб беришни илтимос қилди.***

*- Наврўз - миллий байрамимиз. Иқтиқлолга эришган давримиздан бошлабоқ ана шу айём ҳақида болажонлар билан машғулотлар ҳамда сайрларда суҳбатлар уюштириб, эрталиклар ўтказиб келмоқдамиз. Дилбандларга Наврўз ҳақида қуйидаги тушунчаларни беришга ҳаракат қилаётирмиз.*

*21 март кунидан эътиборан янги йил киради. Дарахтлар куртак чиқара бошлайди, ўт-ўланлар кўкаради, деҳқонларни далалар чорлайди. Ер ҳайдалиб, экин экилади. Мазкур айёмда ўзига хос таомлар, пишириқлар тайёрланади. Жумладан, ҳалим, сумалак, кўк сомса, кўк чучвара ва бошқалар. Улар инсон саломатлиги учун нақадар шифобахш эканлиги ҳақида атрофлича тушунтирамиз. «Илик узилди» пайтида бу таомлар соғлиқни тиклашда шифобахш эканлигини уқтирамиз. Сумалак ва унинг тайёрланиш йўлларини сўзлаб берамиз. Болалар яқинда сумалакнинг тайёрланиш жараёнлари билан танишдилар.*

*Ярим килограмм буғдой болалар иштирокида тозаланиб, ювилди. Докага солиб, бир кун ўраб қўйилди. Эртасига уни фанерга бир текис қилиб ёйиб чиқдик. Ҳар куни эрталаб жажжилар лейкачада устига сув қўйиб туришди. Учинчи куни буғдой оппоқ бўлиб ниш уриб чиқди. Болаларнинг ўзлари кўриб ҳайрон қолишди. Бир сантиметр ўсибди. 5-6 кун сув қўйилгач, олтинчи куни беш сантиметрга етди.*

*Катта қозонда ёғ қиздирилди. Болалар бир челак майда тош териб келишди. Яхшилаб ювиб, қозонга ўзлари солдилар. Болалар: — Нима учун тош солинди? - деб сўрашди. Қайнаб чиққандан кейин қозоннинг тагига олмаслиги учун, деб тушунтирдик.*

*Қозон қайнаб чиққунга қадар болалар дам олиш учун ётдилар. Турганларида эса қозон бир маромда қайнаб, жигарранг тусга кирганлигини кўрдилар. Сўнгра кечки пайт уйларига кетдилар. Қозондаги масаллиқ кечаси билан ковланиб, маромига етгач, димлаб қўйилди. Эрта билан ҳар бир бола учун бир пиёладан сумалак нонушта билан дастурхонга тортилди.*

*Сумалак бир мавсумда етти марта тўйиб истеъмол қилинса, одам касал бўлмайди, деган нақл мавжудлигини тушунтирамиз. Сумалакни дастлаб жимжилоқ билан уч марта ялаш кераклиги ва бу даврда: «Мен соғ бўлай, умрим узун бўлсин, ўқишларга кириб, бахтли бўлай» деб яхши ният қилиш лозимлигини, ундан сўнг қошиқда ейиш мумкинлигини уқтирамиз.*

*Сумалак пиширилган ва солинган идишлар ювилгач, унинг суви бирон-бир дарахт тагига — пок жойга тўкилиши, акс ҳолда гуноҳ бўлишини тушунтирамиз.*

*Хуллас, ҳар йили ўтказиладиган Наврўз байрами ҳамда унга бағишлаб тайёрланган таомлар мазаси тарбиячи ва тарбияланувчилар ёдида узоқ вақт сақланиб қолади.*

**Суҳбатдош Дилбар ХЎЖАЕВА.**



Ҳамид ОЛИМЖОН

## ЎРИК ГУЛЛАГАНДА

*Деразамнинг олдида бир туп*
*Ўрик оппоқ бўлиб гуллади...*
*Новдаларни безаб ғунчалар,*
*Тонгда айтди ҳаёт отини,*
*Ва шаббода қурғур илк саҳар,*
*Олиб кетди гулнинг тотини.*
*Ҳар баҳорда шу бўлар такрор,*
*Ҳар баҳор ҳам шундай ўтади.*
*Қанча тиришсам ҳам у беор*
*Еллар мени алдаб кетади.*
*Майли, дейман ва қилмайман ғаш,*
*Хаёлимни гулга ўрайман.*
*Ҳар баҳорга чиққанда яккаш,*
*Бахтим борми, дея сўрайман.*
*Юзларимни силаб-сийпалаб,*
*Бахтинг бор, деб эсади еллар.*
*Этган каби гўё бир талаб,*
*Бахтинг бор, деб қушлар чийиллар.*
*Ҳамма нарса мени қаршилар,*
*Ҳар бир куртак менга сўйлар роз,*
*Мен юрганда боғларга тўлар,*
*Фақат бахтни мақтаган овоз:*
*«Мана сенга олам-олам гул,*
*Этагингга сиққанича ол.*
*Бунда толе ҳар нарсадан мўл,*
*То ўлгунча шу ўлкада қол.*
*Умрида ҳеч гул кўрмай йиғлаб,*
*Ўтганларнинг ҳаққи ҳам сенда.*
*Ҳар баҳорни йиғлаб қаршилаб,*
*Кетганларнинг ҳаққи ҳам сенда...»*
*Деразамнинг олдида бир туп*
*Ўрик оппоқ бўлиб гуллади...*

## ЭНГ ШИРИН НОН

*Qadriyat*

Ўзбекистонимиз нақадар гўзал. Унинг ҳусни жамоли кундан-кунга чирой очиб бормоқда. Юртимизнинг шунчалик бағри кенгки, сервиқор тоғлари, сирли оқар дарёлари, ширидан-шакар мевали боғлари, уфққа туташган пахтазорлари, қирларни тўлдириб маъраётган қўю қўзилари — қўйингки, ҳаммаси гўзал. Шу жойларни сиз Наврўзи олам ташриф буюрганда бориб кўрсангиз борми, эҳ-ҳа, жаннатмакон деб лол қоласиз. Мана, Наврўзи олам бир дунё қувонч улашиб Одина куни ўлкамизга кириб келмоқда. Жума кунида кириб келса, боболаримиз айтган эканлар: ҳаммаёқ дон-дунга тўла, меваларни ташиб тугатиб бўлмас экан. Ҳаммаёқда барака, хотиржамлик бўлар экан. Шундай кунлар бўлаверсин. Мустақил диёримизни ёмон кўздан ўзи асрасин!

Қадимда Наврўзи оламда бувиларимиз туни билан ухламай катта дошқозонда сумалак пишириб, унинг атрофида чиройли баҳру-байтлар айтар эканлар. Қизлар бўлса, сочларини қирқ кокил қилиб ўриб, қошларига ўсма суртиб, яхши ниятларини айтиб, тол баргидан чамбарак ясаб, бошларига кийиб, шоду хурсандчиликда ўйин-кулги қилар эканлар.

Куни кеча Юқори Чирчиқ туманида ҳам шундай улуғ айёмнинг гувоҳи бўлдим. Бу ерда ер ўчоқда катта қозонда сумалак пиширилмоқда. Руқия хола бошқош. У киши етмишдан ошган бўлсалар ҳам бирор йили сумалак пиширишни канда қилмаган эканлар. Мана сумалак қайнамоқда. Қозон атрофида онахонларимиз, айниқса, Тошкент вилоят фольклор ансамблининг аёллари Ўлмас опа, Салима опа айтган қўшиқлар янада ҳаммага шавқу-завқ бағишлади. Шу орада 3-ўрта мактабнинг ўқувчи қизлари устозлари билан кириб келишди. Руқия буви: — Ҳар йили ўқувчи қизларим ҳам келишиб, яхши ниятларини айтиб сумалакни кавлашади. Жуда кўп қизларим, барака топишсин, ўқимишли, бола-чақали, хуллас, орзу-ниятларига эришишди, — дейди қувониб. Шу орада мен ҳам қозонни кавлаб чорпояга дастурхон атрофига ўтирдим. У ерда кўк сомса, кўк чучвара — ҳамма нарсалар бор. Аммо битта нарсанинг таъми ҳали оғзимдан кетган йўқ. У нима дейсизми? Нон! Бу ноннинг ширинлиги сабабини Руқия холадан сўраганимда: «Эй болам, бунинг буғдойини ўзимиз экдик, ўзимиз ўрдик. Тегирмондан ун қилиб чиқардик. Тандирда ёпдик. Шу буғдойнинг ярми қозонда қайнамоқда. Бу Мустақиллик нонидир. Шунинг учун энг ширин нон. Худога минг қатла шукур. Шу кунларни кутган эдик, мана етиб келдик», — деди у мамнунлик билан.

**Саломатхон ҲАСАНОВА.**

«ИБН СИНО ҚАСАМЁДИ» ДЕСАК БЎЛМАЙДИМИ?

2-бет.

ХАЛҚАРО «НАВРЎЗ» ХАЙРИЯ ЖАМҒАРМАСИ МУАЛЛИМЛАРНИ ҚУТЛАЙДИ

3-бет

MMM — XABARLARI

### ҚОЗОНДА БОРИ ЧЎМИЧГА ЧИҚДИ

*Яқинда Булоқбоши туманида маънавият ва маърифий ишларни ташкил этиш бўйича вилоят семинари бўлиб ўтди. Йиғилиш қатнашчилари тумандаги 1-, 25-, 27-, 30-мактабларда, 10-гимназия мактабида бўлишиб, маънавий ва маърифий ишларни кўздан кечирдилар, дарсларда бўлдилар.*

*Семинар якунида сўзга чиққан вилоят педагог ходимлар малакасини ошириш институти вакиллари А. Маликжонов, Л. Турдиев, Балиқчи туман методика кабинети мудири А. Эргашев, Бўз туман методика кабинети мудири Ш. Эшматовлар Булоқбоши туманида олиб борилаётган ишлардан қониқиш ҳосил қилганликларини маълум қилдилар.*

**Ф. ЖУМАЕВА.**



### СИЗ ҲАМ СОҲИБИ БЎЛИНГ

*Ёш авлоднинг чуқур билим олишида ёрдам кўрсатиш, истеъдодли ўқувчи-ёшларни қўллаб-қувватлаш мақсадида Яккабоғ туман «Камолот» ёшлар жамғармаси иқтидорли мактаб ўқувчиларини рағбатлантириш учун ойлик стипендия жорий қилди. Вилоят олимпиадасида иштирок этиб, фахрли ўринларни эгаллаган Фурқат номли мактабнинг 10-синф ўқувчиси Д. Аннаева, Ойдин Собирова номли мактабнинг 9-синф ўқувчи Ш. Муртозаев, А. Навоий номли мактабнинг 10-синф ўқувчиси Ж. Юсуповлар «Камолот» ёшлар жамғармаси стипендиясининг биринчи соҳиблари бўлишди. Уларга эндиликда ўқув йилининг охиригача ҳар ойда 300 сўмдан стипендия бериб борилади.*

**С. ЖЎРАЕВА.**



MMM — XABARLARI

### «ИККИ КАРРА ИККИ — БЕШ»

*Косонсой тумани ҳокимлигининг маданият ишлари ҳамда халқ таълими бўлимлари ва марказий кутубхона ходимлари томонидан 12-мактабнинг бошланғич синф ўқувчилари ўртасида «Икки карра икки — беш» номли қизиқарли танлов ўтказилди. Ўқувчилар орасидан иқтидорлиларини аниқлаш бу тадбирнинг бош мақсади эди. Шу боис танлов қатнашчилари арифметика бўйича ўзларига мос қизиқарли савол-жавоб, ҳаракатли ўйин, тез айтиш каби шартларни ҳушёрлик билан бажардилар. 3-синф ўқувчиси Б. Ғозихўжаев ва М. Аҳроровалар танловнинг билимдонлари деб топилди.*

**Д. АҲМАДАЛИЕВ.**

# ҚУВОНЧЛАРИ ЭТАДИ ДАВОМ...



...Кўк тўсатдан дағдаға қилди. Қаҳратон қишнинг совуқ қабоғидан безиб қолган қир-адирларга булутлар кўз ёшларини арта бошлади... Воажаб! Шу фурсат булутларга ҳужум бошланди. Дайди шамолларнинг беомон хуружига рўбарў келган булутлар олис тоғлар ортига беркинди...

Агар бизнинг бугун яшаётганимиз рост экан, бу манзаранинг фақат биз эмас, балки сиз ҳам мезбонисиз. Бу манзара баҳор сурати!

Баҳор келса ўзбекнинг бари шоир. Шулардан бири деган экан:

**Гарчанд юрагимга гул**
**рухсоридан**
**Хазон япроқлари энди**
**яқинроқ.**
**Ҳар нечук қиш фаслин**
**тунд дийдоридан**
**Жажжи капалакнинг**
**васли ширинроқ.**

Бугун баҳор ҳузуридамиз. Ўзининг яшил поёндозини замин узра ёйган Баҳоройи юрт кезяпти. Бутун заминни гўзаллик исканжасида қолдириб, ўзининг илк идиқ елвизаги ила, тоғлардан эриб тушаётган зилол сувларнинг шилдираши ила, уйғонаётган дарахт гулларининг муаттар ҳидию адирдаги қўйчивон найининг садоси ила юракларга қувонч улашаётган баҳор фасли ўзгача тароватга эга. У юртимизга келинчаклик либоси ичра яширинган айём бўлиб келди. Эрта-индин ўзининг ой юзидаги оқ рўмолини сидириб ташлайди. Биз у кунни Наврўзи олам дея атаймиз.

Эй баҳордошим, Сиз ҳам кеча биз билан Мирзо Улуғбек туманидаги 308-ўрта мактабга ташриф буюрганингизда эди, Баҳор ҳақидаги, Наврўз ҳақидаги гўзал лутфлардан баҳраманд бўлар эдингиз.

Ҳа, дарвоқе, даставвал ўша мактаб билан танишинг. Мазкур илм даргоҳи бундан беш йил муқаддам барпо этилган бўлиб, замонавий ўқув қуроллари, кўргазма ва жиҳозлар билан таъминланган. Даргоҳ раҳбари Ҳасан ака Исматуллаевнинг айтишича, мактабда 950 нафар ўғил-қиз таълим олмоқда. Ҳар йили 4 та синф болалари илк бора парталарда ўтиришади. Шу сония бизни қоғоз қоралашга мажбур қилганлар ҳам шу жажжи болажонлар бўлди.

Энди мақсад аён бўлгандир. Агар иккиланаётган бўлсангиз яна бир бор эшитинг. Мактабнинг 1-синф ўқувчилари Алифбо, Баҳор, Наврўз байрамларини омухта қилиб нишонлашди.

...Саҳна бир зум баҳор либосини кийди. Болажонларнинг Баҳор, Ватан, Наврўз ҳақидаги шеърлари, топишмоғу тез айтишлари, хуллас, болаларча ўйин-кулгулари тингловчилар учун гўзалликдан сабоқ бўлди. Айниқса, бизни синф раҳбари Гулнора Насриддинованинг тиришқоқлиги, болаларга бўлган айрича меҳри мамнун қилди. Бизнинг бу фикримизни кеча сўнгида сўзга чиққан ота-оналар, ҳамкасблари ва мактаб маъмурияти ҳам тасдиқ этиб, муаллимага келгусида юксак муваффақиятлар тиладилар. Йиғилиш сўнггида мактаб директори Ҳасан ака билан қилган суҳбатимиздан ойдин бўлдики, мактабда баҳорий ўйин-кулгулар ҳали бардавом... Даргоҳнинг жонкуяр ўқитувчиларидан Инобат Абдурафиева, Дилафрўз Алимова, Гулмира Ҳасанова, Рихси Мирзаалиева, Мушарраф Зоирова, Абдурауф Эшмуҳамедовларнинг саъй-ҳаракатлари туфайли мактаб ҳовлисида эрта-индин сумалак қайнайди. Бу хил тадбирлар зиёлиларнинг ёш авлодга таълим беришдаги ғайратларига ғайрат қўшади.

Дарҳақиқат, вақт бизни яна чекинтирди. Дилрабо куй-қўшиқлар билан ибтидо топган кеча интиҳосини-да шу алфозда топди. Биз эса байрам кечасидан олган олам-олам қувончимизнинг бир парчасинигина, ўқиб турганингиздек, оқ қоғозга пичирладик...



**Хайрулла АБДУРАҲМОНОВ,**
**Алишер НАЗАРОВ.**

---



## НАВРЎЗНИНГ КОМЕТАСИ

**Олимларнинг хабарларига кўра, 21 март куни асримизнинг энг ёруғ Хейл-Бопп кометаси ердан 200 миллион километр масофадан ўтади.**

**Тонгда, соат 5-6 ларда кометани кўз билан яққол кўриш мумкин бўлади. Комета янаги гал Ерга шу ҳолатда 2300 йил ўтгачгина яқинлашар экан.**

## ЁШ ОЛИМЛАР БЕЛЛАШУВИ

Россия биринчи марта Европа Иттифоқи ёш олимларининг 9-илмий анжуманига таклиф қилинди. АҚШ, Япония каби 23 дан ортиқ давлатлар иштирокида 1997 йил сентябрда бўлиб ўтадиган мусобақага Бутунроссия ёш олимларининг ғолибларидан тузилган гуруҳни жўнатиш мўлжалланмоқда.

## ГАЗЛИ ТЕПЛОВОЗ

**Россиянинг Брянск машина қурилиш заводида ишлаб чиқарилган тепловоз дизель ёқилғисида эмас, табиий газ ёрдамида ҳаракатланади. Ҳисоб-китобларга қараганда, газ табиатни камроқ заҳарлайди ҳамда бир тепловоз ўртача 70 тонна ёқилғи тежаб қолади.**

---

## JUMLADA JAHON

**• Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов бошқарган Вазирлар Маҳкамасидаги йиғилишда умумхалқ байрами — Наврўз шодиёналарига тайёргарлик ва уни ўтказиш билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди.**

**• Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Туркия Республикаси Буюк Миллат Мажлиси Раиси Мустафо Калемлини қабул қилди.**

**• Республикамизда фаолият кўрсатаётган тиббиёт йўналишидаги бешта ташкилот ҳамда Ўзбекистон Фанлар Академиясининг «Қуёш физикаси» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасига асбоб-ускуналар харид қилиш ва фаолиятни ривожлантириш учун умумий қиймати 400 минг АҚШ долларидан ошиқ Япония ҳукумати грантлари ажратилди.**

**• АҚШ ва Россия Федерацияси Президентларининг Хельсинкида бўлиб ўтадиган учрашуви Билл Клинтоннинг саломатлиги яхши эмаслиги туфайли бир кунга, яъни эртага қолдирилди.**

**• Чеченистон Республикасида Президент кенгаши таркибига парламент вакиллари, дин намояндалари, шунингдек, барча фронт қўмондонлари, жумладан, Шамил Басаев ҳам киради.**

**• Генерал Абдурашид Дўстим вакилининг хабарига кўра «Толибон»га қарши бирлашган кучлар томонидан Бадғис вилоятида уюштирилган ҳужумда толибларнинг юзга яқин жангчиси ҳалок бўлган, ўнта танки ва бошқа қурол-яроғлари ўлжага олинган.**

---

Шарқ таъсири ва аҳамиятини хаспўшлаш театр маданияти тарихида ҳам кўзга ташланади. Масалан, «масхарабоз» сўзи (атамаси) Турон заминга Юнонистондан кириб келган дейилади. Худди мана шу фикрни таниқли олим, санъатшунослик фанлари доктори, профессор Георг Гоян («Арман театрининг 2000 йиллиги» китобининг муаллифи) ҳам қўллаб-қувватлайди ва ушбу атама юнонча «маскорис»дан чумак урадн дейди... Бизнингча, бу унчалик тўғри эмас. «Масхарабоз» сўзи ҳам, унда мужассам топган «масхара», «боз»лар ҳам аслида Марказий Осиёда майдонга келган сўзлар, ҳа, Туронзаминнинг «болафақир» атамаларидир!.. Искандар юришларидан анча илгарилари ҳам бу мавлуду масканда қизиқчилар, муқаллидчилар юзларига турли рангларни суртиб, кўзларига сурма югуртириб, қўлларига хино қўйиб, ношуду нобакорларни ҳажв-калака, масхаралар қилиб, аҳоли кўп тўпланадиган ерларда томошалар кўрсатганлар, одамларни кулдирганлар, уларга завқ-шавқ берганлар... Қолаверса, «Гиппократ қасамёди»да ҳам оқсоч Шарқ таъсири аждодимиз Зардўшт «Аваста»да акс эттирган тиббиётга хизмат қилувчи ҳакимлар қасамёдининг руҳи мавжуд. Александр Македонский «Аваста»дан таржима қилдирган, тиббиётга ҳам алоқадор бўлган «фрагмент»лардан юнон олимларию тиббиётчилари хабардор бўлмасликлари мумкин эмасди. Гап адолатда, фақат тарихий ҳақиқат юзасидан масалага ёндашишдадир... Биз бу ўринда ўзининг буюк иқтидори, ҳалоллиги, воқеа ва манбаларга наинки синчковлик, балки виждонийлик, мозий ҳақиқати юзасидан ёндошиб, ўз «Шоҳнома»сини яратган Абулқосим Фирдавсий арвоҳ-хотирасига шамчироқ ёқишни, муътабар номини миннатдорчилик билан тилга олишни истар эдик. Фирдавсий ўз қомусий асарини яратаркан, асосида Туронзаминда кечган воқеотлар «Аваста»дек ўта бой манбадан, халқ афсоналарию ривоятларидан, ўзидан аввал бу йўсинда иш бошлаган ва фожиали ҳалок этилган Дақиқийнинг 1000 байтидан унумли фойдаланганини асло яширмади ва шу билан уларни ҳам, ўзини ҳам мангуликка юз тутқазди...

Боши ўтган сонда.

*Moziyga bir nazar*

Баҳриддин НАСРИДДИНОВ

## «ИБН СИНО ҚАСАМЁДИ» ДЕСАК БЎЛМАЙДИМИ?

**ёхуд етти рақами атрофидаги фикрлар**

Тиббиётчиларнинг «Гиппократ қасамёди» бизнинг давримизда ҳам янграб келаркан, хўш, нега энди ундан аввал юзага келган «Зардўшт қасамёди» ҳақида бугунги авлод ҳеч нарса билмайди?! Ахир, Зардўшт «Аваста»да Гиппократнинг ёдига ҳам келмаган касалликлар ва уларни даволаш ҳақида юнонлик табибга қараганда кўпроқ ва аввалроқ маълумотлар бериб кетганку?! Қолаверса, Зардўшт «анатомия»ни ҳам дуруст билган, Гиппократ эса анатомиядан унчалик бақувват илмга эга бўлмаган. Ундан кейин, Гиппократнинг номига кўпгина асарлар «тиркаб» юборилган, аслида эса уларнинг ҳаммаси ҳам унинг ёзиш услубига мансуб бўлмаган, қадимги олим Гален эса фақат 13 асарни Гиппократники дея тан олган, бироқ 1901 йиллардаги маълумотларга қараганда унинг шу давргача етиб келган асарларининг сони 72 та, тарихий манбалар гувоҳлик беришича, Гиппократ бир қатор юртларда сафарда бўлган, аммо Персия (Эрон)га сафар қилишга чорлаган тасодиф ёхуд инжиқликмиди?!. Наҳотки, у «Аваста»нинг иккинчи ватани (биринчиси Туронзамин), «Зардўшт қасамёди» янада ишланиб, камолга етган Персияга сафардан шунчаки енгил-елпи воз кечиб кетаверса?!

Бироқ, таъкидлаш лозимки, Гиппократ (Буқрот)нинг тиббиёт олдидаги хизматлари салмоқлидир — бу бор ҳақиқат, буни инкор этиб бўлмайди. Аммо, Зардўштнинг ҳам билиму тажриба туфайли қилган хизматлари чакки бўлмаган, «санитария, гигиена» борасида ҳам билими, тажрибаю тавсиялари ўткир ва кучли бўлган, у табиатни муҳофаза қилиш, атроф- муҳитни покиза тутиш масалаларига ҳам жиддий аҳамият берган, ҳозирги тил билан айтганда, «экология, маданият, тиббиёт масалалари»га катта эътибор қаратган. Табиатнинг инсон ҳаёти учун зарур бўлган инъомларига тажовуз қилганларга берадиган жазоси ҳам анча оғир бўлган... «Оқар сувга завол келтирма, уни тўхтатма, сув етти маротаба думаласа ҳалол бўлур» деган дониш сўзлар ҳам халқда ана ўша қадим замонлардан келиши ҳам бежиз эмасдир.

Дейдиларки, тиббиёт ҳам ўқ илдизлари билан оқсоч Шарққа қараб кетаркан, ҳакимчиликнинг мавлуду маскани ҳам Туронзаминга қараб чумак урармиш. Халқда силсила тортиб келаётган ҳикоятга қулоқ берайлик-а:

«Чочистон тоғидаги ғорда жувонмард яшарди. Унинг хотини ёш бўлса-да зийрак, гиёҳларни яхши биладиган эди. Эр йигит ботир, мард эди, овда ҳеч бир зот унингдек чапдаст эмасди. Қуёш кўриниши билан жувонмард овга жўнади, хотини эса гиёҳ йиғгани. Кўп ўтмай эр йигит орқасига қайтди — қояга кўтарилаётганида қўлини ўткир тош кесиб юборибди. Эрининг қўлидан тирқираб қон оқаётганини кўриб қолган ёш хотин у томон югурди ва жувонмард билагини гиёҳ билан маҳкам қисиб боғлади. Қон оқиши тўхтади...» Аҳамият берайлик-а, «Чочистон тоғлари» — бу Чоч — Шош — Тошкент атрофидаги тоғлар-ку!.. Демак, ибтидода содир бўлган воқеа бизларнинг қадимий мавлуду масканимиз билан боғлиқ... Ёш аёлнинг эри билагига боғлаган бир тутам гиёҳ эса ҳозир медицинада қонтомирга қўйилган «жгут»нинг ўзгинаси, қолаверса, «мададсино»нинг индаллоси эмасми?!

Энди ҳаётий ва тарихий бир савол туғилади: нима учун мозийси, маданияти, тиббиёт соҳасидаги азалий анъаналари ўта кўҳна бўлган ўлкада медицина олий билимгоҳларию махсус билим юртларида талабалар «Гиппократ қасамёди»ни ўқиб, аҳд қилишлари лозим?! Нима учун ушбу қасамёд Зардўшт, Луқмони Ҳаким ёхуд минг йилдан бери ер юзидаги инсоният беназир меросини ардоқлаб, эъзозлаб келаётган Ибн Сино қасамёди бўлиши мумкин эмас?! Бизнингча, бу ерда ҳам ана ўша «Евроцентризм»нинг шарпаси ўзини кўрсатиб келди...

Кези келганда шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, негадир ҳанузгача кишилар даволанадиган жойларнинг пештоқида «больница» ва «касалхона» деган атамалар осиб қўйилган. Ахир, мозийда буюк аждодларимиз бунингдек даволаниш жойларига «шифохона», «шифоҳия» деб бежиз ном бермаганлар-ку!.. Тарихчи олим Хондамир ҳам ҳазрат Навоий бунингдек «шифоҳия»лар бунёд этиш масалаларига алоҳида аҳамият бергани ҳақида маълумотлар ёзиб қолдирган. Кимдир бунга юзакироқ қарар... Йўқ бу унчалик арзимайдиган масала эмас.

«Касалхона» ана ўша оврупоча «больница»нинг айни таржимасидир, у «шифохона» мазмунини бермайди. «Шифоҳия» ёхуд «шифохона» деб атаган маъқулроқ, зеро, бемор шунда «касалхона»га кириб кетаётирман деб эмас, шифо топадиган, даво оладиган масканга келаётирман деган ният, илинж билан бу даргоҳнинг остонасидан ҳатлаб ўтади, унинг руҳиятида ижобий шевалар ҳосил бўлади...

Саҳна санъати оламида «театр кийимосар (вешилка) жойдан бошланади», дейдилар. Тиббиёт оламида эса «шифохона остонадан, беморга кўрсатилган дастлабки муносабат, яхши муомаладан бошланади» десак, асло муболаға бўлмайди. Ҳа, бу ҳам ана ўша шарқона табибчиликдаги хаста зотга нисбатан қўлланадиган муқаддас «етти муомала»дан биттасидир...

**(Давоми бор).**

---

## *НАВРЎЗГА ТУҲФА*

Давлатобод жамоа хўжалиги бошқаруви раислигига янги сайланган Ризвонқул Шаропов хайрли бир ташаббус билан ўз меҳнат фаолиятини бошлади. У жамоа хўжалиги ҳудудидаги мавжуд мактаблар аҳволини синчиклаб кўздан кечириб чиқди. Ўқувчиларнинг ўқишлари, ўқитувчиларнинг иш фаолияти билан яқиндан танишди. Раиснинг ташаббуси билан 2-ўрта мактаб яқинидаги қаровсиз бино қисқа муддатда таъмирланди.

— Биз яна 10 та қўшимча хонага эга бўлдик, — дейди мактаб илмий бўлим мудири Абдуҳаким Зоиров. — Ҳозирги кунда бу синфхоналарни замонавий жиҳозлар билан безаяпмиз. Келгуси ўқув йилида халқнинг 1200 нафар фарзанди фақат бир сменада таълим ола бошлайди. Қисқаси, қўшимча мактаб жамоа хўжалиги раҳбарларининг муаллимларга, ўғил-қизларга қилган муносиб Наврўз туҳфасидир.

**Мамадали ЭРБОЕВ,**
**Тайлоқ тумани.**

---

*Lotin yozuviga asoslangan yangi o'zbek alifbosini o'rganamiz*

## O'N UCHINCHI MASHG'ULOT

**Z z (З з)**

Z z — лотин ёзувида босма шакли. Кириллда босма шакли З з. Алифбода лотинча Z z йигирма тўртинчи, кириллда эса тўққизинчи ўринда туради.

Мисоллар келтирамиз:

Zebunniso — Зебуннисо, Zulfiya — Зулфия, go'zal — гўзал, ustoz — устоз, zukko — зукко, qiz — қиз, Shahzoda — Шаҳзода, ziyoli — зиёли, amirzoda — амирзода, zamon — замон, orzu — орзу ва ҳоказо.

Zebunniso Avrangzeb Olamgirning qizi bo'lgan — Зебуннисо Аврангзеб Оламгирнинг қизи бўлган. Shoir Mirzo Bedil o'z qizini Zebunniso tarbiyasiga topshirgan — Шоир Мирзо Бедил ўз қизини Зебуннисо тарбиясига топширган. O'zbekiston ziyolilaridan bir guruhi Hamzaning qabrini ziyorat qildilar — Ўзбекистон зиёлиларидан бир гуруҳи Ҳамзанинг қабрини зиёрат қилдилар. Ezgu xizmatlar, iltijoyu duolar zoye ketmaydi — Эзгу хизматлар, илтижою дуолар зое кетмайди.

Вазифа: Z z ҳарфи билан келган сўзларни ёзинг ва сўзлардан гап тузинг.

Боши ўтган сонларда.

**G' g' (Ғ ғ)**

G' g' — лотин ёзувидаги босма шакли. Кириллда босма шакли Ғ ғ. Алифбода лотинча G' g' йигирма бешинчи, кириллда эса ўттиз тўртинчи ўринда туради.

Мисолларга эътибор беринг:

G'ulom — Ғулом, g'o'ra — ғўра, g'isht — ғишт, g'arb — ғарб, g'ussa — ғусса, g'irrom — ғирром, qing'ir — қинғир, g'oyib — ғойиб, g'olib — ғолиб, mug'ombir — муғомбир ва шу кабилар.

Zig'ir dorivor o'simlikdir — Зиғир доривор ўсимликдир. G'afur G'ulom to'g'riso'z shoir bo'lgan — Ғафур Ғулом тўғрисўз шоир бўлган. G'ijduvonliklar g'alladan mo'l hosil oldilar — Ғиждувонликлар ғалладан мўл ҳосил олдилар. G'ulom g'aroyib g'azal kuyladi — Ғулом ғаройиб ғазал куйлади.

Вазифа: G 'g' ҳарфи билан келган сўзларни ёзинг ва сўзлардан гап тузинг.

**(Давоми бор).**

---

*Uyg'on yurak*

## «НАЪМАТАК»НИНГ БЎЙИ ТАРАЛСИН...

Наъматак — шифобахш ўсимлик. У ёввойи ҳолда ўсади. Маданийлашган хили ҳам бор. Наъматакнинг меваси — қип-қизил, хушбўй. Бутаси тарвақайлаб ўсади, тиканли. Бироқ биз бу ўсимлик ҳақида эмас, балки унинг номи билан аталган тўгарак ҳақида ҳикоя қилмоқчи эдик. Адабий тўгаракнинг «Наъматак» деб номланиши тасодифий эмас. Бу рамзий маънога эга. Агар наъматак бир бута сифатида адабий тўгаракка қиёсланса, унинг мевалари ёш қаламкашлардир. Қаламкашлар ижодидан хушбўй бўй таралиши керак.

«Наъматак» — Шофирконда «илдиз» отди. Қатнашчилар — ёш ижодкорлар. Очиқроғи, шеъриятга, ижод боғига кирмоққа жазм айлаган мактаб ўқувчилари. Улар 50 нафардан зиёд. Ўсмирлик даврининг энг покиза ва шаффоф туйғулари улар қаламида оққа тўкилаяпти. Бундан-да мусаффо ҳиссиёт бормикан?

Ёшлик — шеъриятга ошнолик. Шеъриятга ошнолик — эзгуликни илғамоққа интилиш. Мактаб партасида ўтириб, ашъор битаётган ўқувчилардан келажакда яхши одамлар етишиб чиқади, албатта. Шунақа, шеъриятни севмоқ ва ардоқламоқ, адабиётни англамоқ ва у ҳақда фикр айламоқ эзгуликнинг бош йўналишидир.

Адабий тўгарак раҳбари, республика журналистлар уюшмаси аъзоси Омон Абдуллаев бу ҳақда шундай дейди:

— Шаҳобиддин Уринов, Турсуной Йўлдошева, Насиба Бозорова, Дилбар Насриева, Мухлиса Зокировалардан умидимиз катта. Улар эрта бир кун Шофиркон шаънини юксак-юксакларга кўтараётган Тошпўлат Аҳмад, Самандар Воҳидов, Усмон Қўчқорларнинг издошлари бўлишса, не тонг.

«Наъматак»нинг гуллари кўп, чечаклари кўп. Улар ғунча очиб, хушбўй бўй таратиш ниятидалар. Шофирконнинг тупроғини, халқини, удумларини ва қадриятларини улуғлаш, ўз овози билан соз чалишни дилларига туккан ёш шоирлар, қаламкашларнинг юраклари туғён ураверсин. Қўлимизда «Наъматак» адабий тўгараги аъзоларининг ижод намуналари босилган илова. У Шофиркон тумани босмахонасида чоп этилган. «Уйғон юрак, уйғонганинг кўриб ўлайин» деб қўйилган рукн, аввало, кишини ўйга солади. Ўқувчиларнинг суратлари, шеърлари, ҳикоя ва қатралари. Ҳар қайсисида бир фикр бор. Ҳар қайсисида жўшқинлик бор. Назаримизда шу жилғалардан ирмоқлар мавжланиб оқаётгандек туюлади.

Тўгарак аъзоларидан келажакда таниқли шоир, ёзувчилар етишиб чиқиши эҳтимолдан холи эмас. Аксинча бўлиши ҳам мумкин. Лекин — «Наъматак» сўлмаслиги керак. Гул-чечаклар — ёш қаламкашлар адабиётга, санъатга ана шу тўгарак фаолияти орқали кириб келар эканлар, буни қўллаб-қувватлаш, кўкларга кўтариш керак.

**М. ТУРОПОВА,**
**Ш. ҲАСАНОВА,**
**РТМ методистлари.**

## Азиз юртдошларимизни Наврўз айёми билан қутлаймиз!

# «ИНСОН МАНФААТЛАРИ УЧУН»

***Ўзбекистон телерадиокомпанияси, республика халқ банки ва Халқаро «Наврўз» ҳайрия жамғармаси Сизларни «Инсон манфаатлари учун» телемарафон кўрсатувларига ва пул-буюм хайрия лотереясини сотиб олишга чорлайди.***

*Ушбу тадбир халқимизнинг анъанага айланган замонавий хайрия ҳашаридир. Ундан тушган маблағнинг тенг ярми хайр-эҳсон мақсадларига сарфланади. Улар уй-рўзғор буюмлари, чорва моллари сифатида ёрдамга муҳтож аҳоли қатламларига инъом этилади.*

*Хайрия лотереясидан тушган маблағнинг қолган тенг ярми эса инсон манфаатлари йўлида сарфланади.*

**Саховатпеша кишиларимиз Мустақиллигимизнинг 6 йиллиги арафасида**

**2 ТА ЭНГ КАТТА ЮТУҚ эгалари бўладилар.**

**Мазкур супер ютуқлар тўплами:**
**—Тўрт хонали квартира**
**— «НЕКСИЯ» енгил автомашинаси**
**— Юмшоқ мебеллар тўплами**
**— «ДЭУ» видео иккилигидан иборат!**

**Шунингдек, саховатли кишилар учун Ўзбекистоннинг биринчи қалдирғоч автомобилларидан 60 таси тахт турибди. Яна бир қатор пуллик мукофотлар ютуқ эгаларини кутмоқда.**

***Телемарафон ҳашарида иштирок этувчилар мамлакатимизнинг халқ банки ва унинг жойлардаги барча бўлимларига мурожаат қилишлари мумкин.***

**Хайрия чипталарининг баҳоси атиги 100 сўм.**

**Уларни нақд пулга ёки пул ўтказиш йўли билан сотиб олишингиз мумкин.**

**Саховат кўрсатинг, ўзингиз ҳам бой-бадавлат бўлишни ният қилиб, телемарафон ҳашарида иштирок этинг.**

**Бу ҳар бирингизнинг манфаатингиз, одамлар юмушини енгиллаштириш, энг муҳими, Ватанимиз фаровонлиги учун Сизнинг қўшган ҳиссангиз бўлади.**

***«Инсон манфаатлари учун»***

*ўтказилаётган телемарафон хайрия телевизион кўрсатувлари 1997 йил «Наврўз» байрамидан то Мустақиллик байрами кунигача давом этади.*

***Сизларни телемарафон хайрия ҳашаридан четда қолмасликка чорлаймиз.***

**Омад ва саховат Сизга ёр бўлсин, азиз ватандошлар!**









*Ko'ngil bitiklari*

## НАВРЎЗИМ

*Навбаҳор очсин чирой юрт товланиб, ял-ял ёниб,*
*Ёш юраклар ишқ-муҳаббат шарбатин ичсин қониб,*
*Юртни мадҳ этсин оқинлар тилларидан бол томиб,*
*Илтижодир сенга кўклам, илтижодир бу сўзим,*
*Сен ошиқларга вафодан тахт олиб кел, Наврўзим.*

*Турфа гуллар, мушку анбар атрини ҳарён тараб,*
*Ханда қилгач, баҳра олсин кексаю ёш бир қараб,*
*Юртга кўрк бўлсин йигитлар, кори ҳолига яраб,*
*Интизорман сенга кўклам, ташрифингга зор кўзим,*
*Ўлкам узра ҳеч туганмас бахт олиб кел, Наврўзим.*

*Манфаатлар йили, дилдан барча инсон шод бўлиб,*
*Янги кунда қутласинлар бир-бирин қувнаб-кулиб,*
*Юртга файз берсин санамлар хулқу одобга тўлиб,*
*Қўлларим кўксимда кўклам, ҳам таъзимда мен ўзим,*
*Сен заминга тинч-омонлик нақд олиб кел, Наврўзим.*

*Шеърият шайдосидурман, орзуйим битмоқ ғазал,*
*Сен ижодим барқарор эт, эй баҳор — фасли асал,*
*Она юрт ишқида ёниб мен Норсубҳон ҳар маҳал*
*Сажда қилгум сенга кўклам, илҳомимга бер тўзим,*
*Чорлабон назм қасрига аҳд олиб кел, Наврўзим.*

**Норсубҳон ДЎСТЁРОВ.**

## БАҲОР КЕЧИНМАЛАРИ

*Баҳорнинг борлиққа тегса нафаси,*
*Барчани бўшатар қишнинг қафаси.*
*Ёқутдай ёнганда гулу лолалар,*
*Бошланар булбулнинг кайфу сафоси.*



*Баҳорни қаршилар барча мавжудот,*
*Баҳор-ла барқ уриб яшнайди ҳаёт.*
*Булут ёмғирию қуёш нури-ла*
*Далалар кўрк очиб, эл бўлар обод.*

*Ёқимли бўлади баҳорда ҳаво,*
*Дардига топмоқ-чун одамлар даво*
*Табиат қўйнидан ахтарар мудом*
*Замбуруғ, қонтепар, каврагу раво.*

*Бағримга баҳорнинг сепин ёзаман,*
*Ҳар баҳор ўзимни шодон сезаман.*
*Ватаним боғию бўстонларида*
*Анвойи гулларни ҳидлаб кезаман.*

**Фахриддин ЭРНАЗАРОВ.**

## НАВРЎЗНИНГ КЕЛИШИН КУТАМАН



*Зилол сувли анҳорнинг бўйида сўлим ялпиз,*
*Ул соҳилда кезарди бир пари-пайкар ёлғиз.*

*Димоққа урган бай-бай ялпизнинг хуш бўйидан,*
*Ўргилай дейсан ҳай-ҳай сарвинознинг бўйидан.*

*Биллур сув кўзгусида мавжланар гул жамоли,*
*Акси бирла талашар чиройининг камоли.*

*Санам қўлида ялпиз барглари парча-парча,*
*Қалбимдан очди ўтли муҳаббатга бир дарча.*

*Ялпиз теришга мен ҳам берайми десам ёрдам,*
*Кулиб очиқ чеҳра-ла, боқиб юзимга бир дам.*

*Терган ялпизларидан чеккасига илдириб,*
*Жилмайганча ситамкор кетди майл билдириб.*

*Бу соҳилда чорасиз ортидан боролмадим,*
*Қайтиб бу шўх жононни бир лаҳза кўролмадим.*

*Манзилин билолмадинг, ошиқ Ғулом нетасан?*
*Келгуси йил Наврўзнинг келишин зор кутасан.*

**Ғулом АЛИ.**



## ДАРАХТ ЭКИШ — САВОБ

Маълумки, март ободонлаштириш ойлигидир. Сабаби бу ойда кўчат экиб, боғлар яратилади.

Мактабимиз ўқувчилари ҳам бу хайрли ишдан четда қолишаётгани йўқ. Наврўз айёми арафасида билим масканимиз атрофи тозаланади, саранжом-саришта қилинади. Жамоа хўжаликлари томонидан ажратилган ер майдонларида ҳар хил мевали ва манзарали дарахт кўчатларини ўтқазиш ҳам кўзда тутилган. Хуллас, Наврўз байрами яқинлашгани сайин дилларда қувонч, шуур кун сайин ортмоқда.

**Феруза ИБРОҲИМОВА,**
**Оқолтин туманидаги 8-ўрта мактабнинг 9-«Б» синф ўқувчиси.**

*Инсоният оламидан ташқаридаги эълонлар*

### ЯХШИ ЯШАШ КЕРАК!

Барча товуқлар ва оила бошлиғи ҳисобланмиш хўрозлар диққатига!

Сиз тинч ва осойишта яшашни истайсизми? Унда биз билан алоқа боғланг. Бизда ясалган катаклар қулай ва ўта хавфсиз! Яна битта қулайлик. Катакларни ходимларимизнинг ўзлари олиб борадилар ва сиз яшаётган ҳовлининг қулай жойига ўрнатиб берадилар. Шуни унутмангки, биз сизларга текин хизмат қилишга аҳдлашганмиз. Шошилинг. Яхши яшаш керак!

**«Тулки бону» хусусий корхонаси.**

### САЛОМАТЛИК — ТУМАН БОЙЛИК!

Ортиқча семизлик бу касалликдир. Сиз семирдингизми, демак, энди сизда турли-туман касалликлар пайдо бўла бошлайди. Аммо бундан қутулишнинг йўли бор. Сиз бизнинг даволаниш масканимизга ташриф буюринг. Бир дақиқада минг дарддан фориғ бўласиз!

Ҳа, айтгандай, семиз қўю қўзилар бизда навбатсиз қабул қилинадилар!

**«Ал-Бўрибек» хусусий шифохонаси.**

### СОҲИБЖАМОЛ ЁР ҚИДИРАДИ!

Атиги бир мартагина турмуши бузилган ёш, соҳибжамол Сичқоной ўзига вафодор ёр қидиради. Шундан маълумингиз бўлсинким, бўлғуси турмуш ўртоғининг ёши, кўриниши, оилалими ёки бўйдоқлиги соҳибжамолни қизиқтирмайди. У ёш Сичқонойга ғалла омбори ёнидан алоҳида уй-жой олиб бериб, омбор ҳовлисига мушукларни йўлатмаса бўлгани.

Юрагида ўти бор сичқонполвонлар
«Сичқонлар уюшмаси»га учрашсинлар.

**Эълонларни Абдували ОБИДДИН ёзиб олди.**

## ҲАМАЛ БУРЖИГА КИРИБ ҚОЛГАНДА ОФТОБ

**АДАБИЙ САВОЛ**

*Улуғ тўйлар қилиб, ишратлар этди,*
*Яратқон бирла кўп ниятлар этди.*
*Чу наврўз бўлди Наврўз ичра Фируз,*
*Атоди ўғлининг отини Наврўз.*

— САВОЛ: мумтоз шеъриятимиздан олинган ушбу мисралар қайси достонга тегишли ҳамда унда халқимизнинг қайси анъанаси акс этган?

**ТАРИХИЙ САВОЛ**

Фирдавсийнинг «Шоҳнома» асарида келтирилган қадимги эрон подшоҳи Жамшид одамларга янги ҳунарлар ўргатган, давлатда илғор тажрибалар жорий этган адолатли ҳукмдор сифатида таърифланади. Афсонавий подшо нафақат «Шоҳнома»да, балки Абу Райҳон Берунийнинг «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар» асарида ҳамда Умар Хайёмнинг «Наврўзнома» рисоласида ҳам эслатиб ўтилади.

— САВОЛ: ривоятларда оғиздан-оғизга ўтиб келган афсонавий шоҳ нима сабабдан икки буюк олимнинг китобларида тилга олинади?

**ИЛМИЙ САВОЛ**

Наврўзнинг бошланиши Ернинг Қуёш атрофида айланишига асосланган. 21 мартда — Қуёш ҳамал буржида турганда Қуёш нурлари Ер экваторига тик тушади ва натижада кеча ҳамда кундуз ҳар икки ярим шарда ҳам бир-бирига тенг бўлади. Бундан 9 аср аввал баҳорги тенг кунлик 14-16 мартга тўғри келган.

— САВОЛ: қандай ҳодиса сабабли бу баҳорги тенг кунлик силжиб туради?

**КУТИЛМАГАН САВОЛ**

Наврўз ҳақида энг тўла маълумотлар ва аниқ илмий хулосалар Шарқ ёзма манбаларида — буюк олим Абу Райҳон Беруний (973-1048 йиллар)нинг «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар», «Аттафҳим», «Қонуни Масъудий» асарларида, Умар Ҳайёмнинг (1054-1131) «Наврўзнома» рисоласида ёзиб қолдирилган. Ажойиб рубоийлар битган астрономнинг тўлиқ исми-шарифи Ғиёсиддин Абдулфайҳ Умар ибн Иброҳим Ҳайёмий Нишопурий.

— САВОЛ: Ҳайём сўзи нимани англатади ва бунинг шоирга нима алоқаси бор?

**О. ҲАКИМОВ тайёрлади.**

## ХОЛИСХОН

ҲИКОЯ

Холисхоннинг ҳам «пайтавасига қурт тушди». У ўз тили билан айтганда қандай қилиб «пулни пулга уришни» ўйлаб қолди. Ўзи ҳаёт шундай, зўр келса рўзғор учун ҳар ишни қилишга рози бўласан. Одам ёшлигида учиб юради, деганлари рост, шекилли. Ёшинг ўтган сари ерга тобора яқинлашаверар экансан. Холисхон ҳам ёшлигида маҳалланинг манаман деган қизларидан эди. Кўча-кўйда писта сотиб ўтирганларни кўрса энсаси қотар, бир чеккаси раҳми келиб «бечора» деб қўяр эди. Энди-чи? «Бечора-я?! Ҳар куни фалон сўмдан фойда келиб турса-ю, яна бечорамиш-а!»

«Бўлди, — деди бир кун Холисхон ўз-ўзига, — эртадан сомса пишириб сотганим бўлсин. Шунча иккиланганим етар!»

Ярим кечагача қийма тўғради. Булғор қалампири, бироз помидор ҳам қўшди. Эрталаб бир тандир сомса тайёр бўлди. Ниҳоят Холисхон айни талабалар ўтадиган йўлакка бир лаган сомсани олиб борди. Бир томон «Гўзаллик салони» — муҳташам бино, бир томонда кўп қаватли уйлар. Тушликка яқин Холисхон сомсаларни сотиб бўлди. Ирим қилиб санамади. Санамаса ҳам тахминан билади.

«Ҳали бу бошланиши», деб қўйди у ўзича.

Кунлар кетидан кунлар ўта бошлади, сотилаётган сомса кўпайган сари, даромад ҳам катталаша боради. Холисхон бир ўзи қийнала бошлади. Бу орада эри билан ҳам анчагина ғижиллашиб олди. Рост-да, қай бирига улгурсин. Уй йиғиштирсинми, сомса пиширсинми, икки боланинг устига қарасинми. Ҳалиям болалар уззукун боғчада. Қизи Холида бу йил мактабга боради. Яқинда еттига тўлади, ўғли эса энди учга қадам қўйди.

— Бу ишингни йиғиштир, — деди бирда эри. — Ундан кўра рўзғорга қара, ҳаммаёқ кир-чир бўлиб кетяпти.

— Нима, бир умр шундай камбағал ўтгин, демоқчимисиз? «Егани нони йўғ-у итининг оти Маржонгул» деганлари сиз бўлсангиз керакда. Топганингиз...

Эрининг оғзидаги оғзида, бўғзидаги бўғзида қолди. «Билганингни қил», деди ниҳоят, қўл силтади. Холидани ҳам боғчадан чиқариб олишди. Йўқ, у мактабга бормади. Холисхон уни ёнимда ёрдам бериб юради, деб олиб қолди. Мактабга саккиз ёшдан борса ҳам бўлади.

Шу йил Холисхон қишнинг қандай ўтганини билмади. Меҳнати ҳам зое кетмади. Уч-тўрт ой ишлаб ўғилчасининг тўйига ул-бул олиб қўйди. Ахир тўй дегани ўзи бўлмайди-ку.

Бир куни ғалати воқеа бўлиб ўтди. Холисхон энди савдоси тугаб, кетаман деб турган эди. «Гўзаллик салони»да ишлайдиган ўрис қиз келиб саломлашди-да:

— Завтра, в обед апа. Сюда, — у ўгирилмасдан бош бармоғи билан «Гўзаллик салони»ни кўрсатди, — побольше самса принеси-а? Мы купим, ладно.

— Хўп майли, — Холисхон дарров рози бўлди.

— Спасибо, — деди ўрис қиз кетаётиб. Холисхон орқасидан унга қараб қолди. Нари борса ўзидан 4-5 ёш кичикдир-ов. Лекин қоматини сақлаб қолибди.

«Ҳа, бало булар. Кун бўйи тирноқ бўяб, яна фалонча маош олса-ю бу чиройли бўлмай ким бўлсин. Холисхон пиёз тўғрайвериб, сарғайиб кетган бармоқларига қараб хўрлиги келиб кетди. Ҳа, майли, — яна ўзини юпатди у, — ҳамма вақт ҳам шундай бўлиб юрибманми, яна бир-икки ой ишлай-чи, бўлади...»

Холисхон сўзида турадиганлардан, ваъда бердими бажаради. Орият ёмон нарса. Эртаси куни тушликка сомсани кўтариб ўрис қиз таклиф қилган жойга борди. Тоза, чиройли зиналардан 2-қаватга кўтарилди. Иккинчи қаватга чиқди-ю ҳайратдан оғзи очилиб қолди. Деворлар миллий услубда нақш билан безатилган, ҳар томонда катта тошойналар. Шифтдаги биллур қандилни айтмайсизми? Яна сочлари чиройли қилиб турмакланган қизларнинг катта портретлари. Шу топда у шунча йил, бир қадам жойда яшаб бу ерга ҳеч келмаганига ич-ичидан ўкинди.

Холисхон худди арқон устида юрган дорбоздек аста-аста, эҳтиёткорлик билан юриб тўғридаги ойнакор эшик ёнига борди-ю киришни ҳам, кирмасликни ҳам билмай туриб қолди. Эшик қия очиқ эди. Холисхон ичкарига қаради-ю сесканиб кетди. Тўрда ўтирган рус аёлининг юзи қатиқ суртилгандек оппоқ эди. Бироздан кейин Холисхон унинг юзига ёшартирувчи ниқоб сурилганини тушуниб, ўзининг соддалигидан ичида кулиб қўйди.

Ёшартирувчи, доривор ниқоблар тўғрисида бир марта телевизордан гапиришганди, Холисхон унча эътибор ҳам бермаганди.

— Ой, апа! — Холисхон ҳеч кутмаганиданми ёки анавиларга ағрайиб қолганиданми, бир сапчиб тушди. Бу кечаги қиз эди. Орқадан қачон келиб қолибди. Ўрис қиз шундай деб уни бошқа хонага бошлади. Бу хона, тўғрироғи, зал анча катта бўлиб, яхши жиҳозланган эди. Деразалари қуббасимон шаклда, зар каштали дарпардалар осиғлиқ эди.

Бир пайтлар Холисхоннинг бувиси худди шундай қуббасимон деразалар ҳақида кўп гапирардилар. Айниқса, насл-насабдан гап кетганда бувиси шундай нарсаларга урғу беришни яхши кўрардилар. «Бизнинг ота-боболаримиз донғи чиққан бойлар бўлишган. Дераза тугул токча-ю раҳларгача қуббасимон, нақшинкор қилиб қурдиришарди.»

Холисхон бувисини эслагани учунми, кўнглига аллақандай илиқлик тўкилгандек бўлди. Қулоғига ҳар куни телевизорда айтиладиган «ўзлигимизга, қадриятларимизга қайтяпмиз» деган гаплар яна бир бор эшитилиб кетгандек бўлди.

Холисхон шундай ўйлар билан «Гўзаллик салони»ни тарк этар экан, хаёл билан кираверишда шиор осаётган йигитларга урилиб кетишига сал қолди. У норози қиёфада кўкрагига туфлаб ташқарига чиқди. Беихтиёр орқасига ўгирилиб шиорга қаради. «Ассалом, Наврўз!»

Дарвоқе, Наврўз ҳам келиб қолибди. «Байрамда сомса-ю мантилар сувдай кетаров». Энди у бутунлай бошқа одам бўлиб қолган эди. Уйига йўл олар экан, байрамда қанча сомса сотиш мумкинлиги, ундан тушадиган даромадни ҳисоб-китоб қилиб борарди.

**Гулчеҳра АЛИҚУЛОВА.**

*Qutlov*



*Айни шу кунларда республика педагогика жамияти меҳнат ва ҳунар таълимининг ташкилотчиларидан бири Раҳим Аҳроровнинг 60 йиллик тўйини кенг нишонламоқда. Раҳим Аҳроровнинг босиб ўтган умр йўлини кузатар экансиз, у киши ўз онгли фаолиятини тўласинча маорифга бағишлаганининг гувоҳи бўласиз. Маорифимиз жонкуяри ҳозир ҳам бизнинг сафда, ҳамон ҳунар таълими тизимига хизмат қилмоқда. Раҳим Аҳроровнинг келгуси ишларига ҳам омадлар тилаймиз.*

**Ҳунар таълими илмий-тадқиқот институти жамоаси.**

## ТОПҚИРЛИК МАШҚИ

Азиз муштарийлар!

Аввал қуйида таърифланган ва шеърий мисраларда келтирилиб, рақамларда ифодаланган сўзларни топиб очқични ҳал этинг.

1. Наврўз айёмини замонасининг одатига кўра нишонлашни буюрган, Сосонийлар сулоласининг «Одил» деб номланган подшоҳи — 3,20, 12, 2, 3, 5, 1, 16, 13, 3.

2. Огаҳий ғазалидан:
Эй, 28, 5 санго тангри таборак бўлсин,
Наврўз ила тоза йил муборак бўлсин.

3. Умар Ҳайёмнинг «Наврўзнома» асарида йилнинг кунлари ва ойларига ном бериб, йилнома жорий этгани баён этилган. Ажам мамлакати илк подшоси — 8,1, 25, 14, 1, 5, 29.

4. Мир Алишер Навоийнинг «Чор девон» асаридан:
Висол айёми тенг йўқ очса рухсор,
Ки доми 30,6,11 бўлса Наврўз.

5. Эркин Воҳидовнинг «Наврўз нашидаси» шеъридан:
Қаттиқ қишдан чиқдинг зах тортиб, ҳориб,
Ердан чиққан каби 9, 13, 10, 18, 15, 18, 1, 8 ериб.
Бағрингдан муз кетди ҳамалга бориб,
Ватаним, муборак бўлсин Наврўзинг.

6. Абулқосим Фирдавсийнинг «Шоҳнома» достонидан:
Жамшидга сочишар олтину гавҳар
Шу куни Янги йил — байрам дейишар.
Йил боши Хурмузд эди 24, 1, 5, 16, 1, 5, 4, 2, 3
Дилда на ғам қолди, на адоват — кин.

7. Маърифатпарвар шоир Завқий таърифидан:
«Наврўз йилнинг бошидурким, андин элга 22, 1, 5, 1, 8, 1, 7 ерга баракат келгай, иккинчи ерга дона солгали бошларким, бу табиат шодлигидир. У юртнинг тўкинчилигидир».

8. Наврўз байрами таомларига ишлатиладиган сербарг хушбўй кўкатлардан бири — 23, 11, 26, 2, 19.

9. Наврўз байрами нишонланиб келинган шарқ мамлакатларининг умумий номи — 1, 21, 1, 14.

10. Халқ сайли ва тантаналарда ўтказиладиган қадимий, миллий чавандозлик мусобақаси — 6, 11, 13, 17.

11. Ўзбек халқ мақолидан:
«23, 27, 12, 2 йил баҳоридан маълум...»

Энди шаклдаги рақамларни очқич сўзлардаги таалluқли ҳарфлар билан алмаштириб муаммономани ҳал қилинг. Ундан ўрта аср шарқининг қомусий алломаси ва машҳур рубоийнавис шоири Умар Ҳайёмнинг нодир асари «Наврўзнома»даги қўҳна ва навқирон баҳор айёмининг юзага келиш тарихи баёни аён бўлади.

**Фозилжон ОРИПОВ.**




*Futbol*

## МАМЛАКАТ VI МИЛЛИЙ БИРИНЧИЛИГИ БОШЛАНДИ

*Ниҳоят, миллионлаб футбол ишқибозлари орзиқиб кутган дақиқалар етиб келди. 18 март куни Ўзбекистон VI миллий чемпионатининг байроқлари кўтарилди. Газетамизнинг ушбу сони ўқувчилар қўлига текканида олий лига жамоалари ўртасида чемпионатнинг 1-тур ўйинлари натижалари маълум бўлади. Шу куни «Навбаҳор» — «Сўғдиёна», «Зарафшон» — МҲСК, «Атласчи» — «Трактор», «Дўстлик» — «Бухоро» жамоалари ўзаро куч синашишса, Тошкентнинг «Пахтакор» жамоаси жаҳон андозаларига мос қилиб қайта таъмирланган майдонда «Афросиёб» (Самарқанд) клубини қабул қилади. Ўзбекистоннинг тўрт карра чемпиони «Нефтчи» футболчилари эса «Насаф» (собиқ «Машъал»)га қарши майдонга тушадилар. 19 март куни Тошкентнинг «Чилонзор» жамоаси эса «Андижон» клубини қабул қилади. Урганчнинг «Хоразм» (собиқ «Динамо») жамоаси эса «Косонсой» клубининг меҳмони бўлади. Футбол ишқибозларига яхши маълумки, бу йил олий табақада кўзда тутилганидек 16 та жамоа эмас, балки 17 та жамоа қатнашади. Ҳар бир турда биттадан жамоа дам олади.*

*Биз ҳам ўз навбатида олий лига жамоалари бу йилги мамлакат биринчилиги баҳсларида ҳужумкор, чиройли ўйинлар кўрсатиб, футбол ишқибозларини хурсанд қиладилар, деган умиддамиз.*

**У. АКТАМОВ.**

Ма'рифат
*ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:*
*Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси.*

Бош муҳаррир
Ҳалим САИДОВ

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 20.
Рақам ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.
МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.
ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб — 36-54-17, хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 36-55-58.
«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.
Навбатчилар: Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ, Улуғбек ОДИЛОВ.

ИНДЕКС: 64595 Буюртма Г.-0159.Тиражи 50.000. Ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2 босишга топшириш вақти — 20.00. Топширилди—19.00. Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди.
1 2 3 4 5 6